

Мумтоз шеърятимизда сокийнома йўналишидаги шеърларнинг ўзига хос намуналари номалар таркибида учрайди. Улар хар бир номадан сўнг келтирилган маснавийлар таркибидан ўрин олган. Хоразмий “Мухаббатнома”сидаги 12 та маснавий шеърнинг 10 тасида 3 байтдан жами 30 байт, Хўжандийнинг “Латофатнома” асарида хар бир номанинг сўнгида 1 байтдан жами 18 байт, Саид Ахмад каламига мансуб “Таашшукнома”нинг “Сўзнунг хулосаси” қисмларида 3-5 байтдан жами 30 байт сокийнома мазмунини ифодалайди. Уларнинг барчаси сокийга мурожаат билан (“Кел, эй сокий”) бошланади. Чунончи:

Кел, эй сокий, кетурдил бодаи ноб,
Кула ўйнаю ичсунлар бу асхоб... (Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. Икки жилдли. Иккинчи жилд. Тошкент. “Фан” нашриёти. 168-бет. Бундан кейин мазкур нашрга мурожаат килинганда саҳифаси кавс ичида кўрсатилади. М.А.)

Сокийнома характеридаги шеър ва байтлар мазмуни номаларда ифодаланаётган воқеа-ходиса, фикр-кечинма, хис-туйгулар билан ҳам боглик. Шу сабабли, адабиётшуносликда бу шеърлар, кўпинча, поэтик хулосаларнинг ифодаси деб, баҳоланади. Аммо улар факат хулосавий байтлар бўлиб қолмай, тасвирланаётган ҳаётий манзара ва ифодаланаётган фикр-карашларига кўра, номаларда келтирилган газал, китъа ва фардлар каби мустақил шеърлар ҳамдир.

Бу жихатдан, айниқса, “Мухаббатнома” ва “Таашшукнома”даги сокийга мурожаат билан бошланган шеърлар эътиборлидир. Тўғри, бу шеърлар сокийнома жанри талабларига тўла мос келмайди. Аммо улар мавзунинг қўйилиши, ижтимоий-ҳаётий, ахлокий-дидактик, ишқий-фалсафий, қолаверса, маърифий-ирфоний фикр-туйгуларнинг ифодаланиши, қофияланиш тарзи, образ ва тимсоллари, ўзига хос бадиий воситалари каби бир қатор хусусиятлари билан ҳам сокийномаларни ёдга солади. “Таашшукнома”да сокийнома шеърларга “Сўзнунг хулосаси” деб сарлавҳа қўйилган бўлса, “Мухаббатнома” муаллифи уларни “Маснавий” деб номлаган. Чунончи, асарнинг қуйидаги “Маснавий”сини олиб кўрайлик. Байтда қўлланилган талмех санъати лирик қахрамон – ошиқнинг қайфияти ва максadini ҳам аниқ-равшан тушунишга имкон берган:

Кел, эй сокий, кетурдил жоми Жамни,
Киши кўнглудин май ювур гамни. (108-бет.)

Жам, яъни, Жамшид – қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи. У жоми жахоннамо – жахонни кўрсатадиган жом ихтиро қилган бўлиб, унда дунёдаги нафакат ҳозирги, балки ўтмишда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ходисалар ҳам акс этар экан. Мумтоз шеърятда май қадаҳи ва қомил инсон қалбини ҳам илохий сирларни ўзида сақлаши жихатидан ойинаи жахоннамога тенглаштирилади. Лирик қахрамоннинг соқийдан айнан нима учун “жоми Жам” келтиришини сўраётганлиги иккинчи байт мазмунида янада очикрок аён бўлади:

Ким ошти кўкка оҳим ихтироки,
Куюрди кўнглуми дилбар фироқи. (114-бет.)

Яъни, хиҷрон ва айрилиқ азобидан қийналган, кўнглини ёр соғинчи банд этган ошиқ “жоми Жам” ёрдамида ёр жамолини кўриб, висол лаззатидан баҳраманд бўлишни истади. Байтда май гўзал маъшуқа ҳаёли, ёр соғинчи, ишқ-муҳаббат каби маъноларни ифода этган. “Таашшукнома”даги соқийнома шеърларда ҳам, асосан, бу оламнинг

ўткинчилиги, унинг гўзалликларию бахту кувончи абадий эмаслиги, ўтаётган фурсатларни ортга кайтариш инсон фарзандининг кўлидан келмаслиги, шу боисдан, хамиша некбинликка, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшаш лозимлиги каби фикр-туйгуларга эътибор қаратилган. Чунончи, мана бу парчада ҳам шоир сокийга мурожаат қилиб, ундан ўзини бокийликка етиштирадиган май беришини сўрайди:

Кел, эй сокий, кетургил май зи боки(й),
Ки, колмас дунёда ҳеч киши боки(й). (176-бет.)

Юкорида таъкидлаганимиздек, сокийнома шеърларнинг мазмуни, кўпинча, нома ва газаллардаги фикр-туйгулар билан ҳам узвий боглик. Масалан, “Мухаббатнома”нинг учинчи номасида шоир маъшуканинг ақлни хайратга солувчи гўзаллигини мадҳ этади. Мумтоз адабиётда ишқни майга нисбат бериш анъанага айланган. Май ичувчини маст қилганидек, ишқ ҳам ошиқни сархуш айлайди. Майни қанча кўп ичган сари ўз хатти-харакатини шунча назорат қилолмаганингдек, мухаббат ҳам қанча қучли бўлса, ошиқ шунча ўзининг нима қилаётганини билмай қолади: бутун фикри-зикри севгилисига қаратилиб, унинг ишқиди ўзини ҳам, атрофидаги одамларни ҳам, хатто дунёни ҳам унутади. Мана бу маснавийда “гул юзли сокий”дан ўзини “хайрат макоми”га етказишни сўраётган лирик қахрамон – ошиқнинг ахлоқи ҳам шундай тасвирланган:

Кел, эй гулчехра сокий, май кетургил,
Мени хайрат макомига етургил. (109-бет.)

Яна бир номада шоир ёр жамолини бир бор кўриш учун ўзининг бору йўғидан кечишга ҳам тайёр бўлган ошиқ ҳолатини тасвирлар экан, хулоса ўрнида қелган сокийнома шеърда мана бундай ёзади:

Кел, эй сокий, кетургил лолагун май,
Ким ул қилди кўпни Хотами тай.
Сурохи тўлса кўп, оғзин очолинг,
Бу кун майхонада ярмоқ сочолинг. (110-бет.)

Мумтоз адабиётда Хотами той ўз сахийлиги, қўли очиклиги билан машҳур. Бу ўринда, шоир майхонада бор пулини май ичиб тугатган – майхўрни Хотами тойга ўхшатмоқда. Бундай тасвирларни Хоразмийнинг издошлари ижодида ҳам кўриш мумкин.

Хоразмийнинг лирик қахрамони бир ўринда яқин улфатлар, суҳбатдошлар билан май ичиш лозимлигини айтса, яна бир байтда “гул юзли дилбар”га мурожаат қилиб, ундан хушдан айирувчи қадах беришини сўрайди:

Кел, эй ой юзлу дилбар, тут бирор кеш,
Бирор кеш бирла қилгил бизни мадхуш. (114-бет.)

“Таашшукнома”да эса, “бути айёр” – айёр санам ёки гўзал маъшука билан бирга майхўрлик қайфияти гўзал бадий ифодасини топган:

Кел, эй сокий, кетур жоми бир оз май,
Ки гамларни кўнгуллардан қилур тай.
Ичоли ул бути айёр бирла,
Қароклари қарокчи ёр бирла. (174-бет.)

Таъкидлаш керакки, номаларда ўзига хос майхўрлик кечалари, улардаги урф-одат ва тартиб қоидалар тасвирига ҳам кенг ўрин берилган. Жумладан, “Таашшукнома”да май базмларида май ёки шаробнинг қадахларга қандай қуйилиши ва май қуйувчи –

сокийнинг ўзига хос маданияти тўғрисида ҳам ёзилган. Чунончи, лирик кахрамон сокийга мурожаат киларкан, ундан май тўлатиб куйилган кадах сўрайди:

Кел, эй сокий, кетур жоми лаболаб,
Кўбиз кўбсаб ичайлик кулуб ўйнаб. (168-бет.)

Номаларда сокийнинг ҳам кўплаб таъриф тавсифлари келтирилган бўлса-да, кўлларини нозик белига кўйиб майхўрга шароб куяётган сокийнинг ўзига хос таърифи факат “Таашшукнома”да учрайди:

Кел, эй сокий, хумор ашкин олиб кел,
Кўлингни белсаниб енгни солиб кел. (180-бет.)

“Таашшукнома”нинг саккизинчи номасидан сўнг келтирилган газалда гўзаллик шохи бўлган маъшука таъриф тавсиф этилади. Шунингдек, лирик кахрамон унинг “эхсон карамлар”ини унутганлигидан, “мухташам салтанат”идан “факир” ошигига жой ҳам бермаслигидан шикоят килади. “Сўзнунг хулосаси” деб номланган сокийнома шеърда ҳам шоир сокийга мурожаат килиб, “мири мажлис” – мажлис рахбари, яъни, май келтиришини сўраркан, у кўпгина саховатли бекларни хасис килганлигини айтиб, бундай ёзади:

Кел, эй сокий, кетур ул мири мажлис,
Ки килди кўп гани бегларни муфлис. (156-бет.)

Номаларнинг асосида, сокийнома жанрига хос бўлган висол онларини ганимат билиш, кўнгулни хамиша ёр мухаббати, унинг фикру хаёли билан боглаш, бу дунёнинг бетакрор манзараларидан завкланиш, инсон умрининг бокий эмаслиги, шу сабабли, уни шоду хуррамликда, хурсандчиликда ўтказиш каби мазмунлар ётади. Шу боисдан, уларда мумтоз шеърятда хаёт қувончининг сабаби бўлган май образи ўзига хос кўтаринки рух, жўшқин хиссиёт ва кучли эхтирос билан таъриф тавсиф этилган. Бир ўринда, Хоразмий сокийга мурожаат этаркан, ундан ўзини “назар”дан четга кўймаслигини, ошиқ учун “сайкал” бўлган ишк майидан беришини сўрайди:

Кел, эй сокий, назардин солмогил гал,
Кетур ул майки бўлгай бизга сайкал. (123-бет.)

Бу каби хайёмона фикр-туйгуларнинг таъсири Саид Ахмаднинг “Таашшукнома” асарида ҳам сезилади:

Кел, эй сокий, кетур жоми дилфируз,
Ки ишрат чоғидур ҳам фасли Наврўз. (164-бет.)

Мисраларда шоир хаёт лаззатларидан бахраманд бўлиш, умрнинг хар дамини хуш ўтказиш учун Наврўзни энг яхши фурсат деб кўрсатади.

Хўжандийнинг лирик кахрамони эса, уни хурсандчилик ва завқу шавқ билан безаш лозимлигини айтиб, бундай дейди:

Кел, эй сокий, бу кун мажлис куроли,
Замоне айш этиб хуш ўлтироли. (140-бет.)

Юсуф Амирий “Дахнома”да кўбизнинг завқбахш куйи, найнинг майин садоси, барбатнинг жарангдор навоси ва танбурнинг ўтли ноласи майхўрлик кечасига файз киритганлигини тасвирларкан, айникса, муганнийнинг кўшиклари ва сокийнинг гўзал одоби ҳам майхўрликнинг таъсирини оширганлигини айтиб бундай дейди:

Муганнийлар чолиб мажлисда хўшлар,

Юруб сокий тутуб саркўча кўшлар.

Уланди кеча тегру эл йигини,

Чикарди эл чоғирдин аччигини. (195-бет.)

Асарда май базми иштирокчиларининг холати, кайфияти, уларнинг бир-бирига бўлган муносабатлари: бу даврада сокийнинг ўрни, май таъсирида суҳбатдошларнинг мулохазасиз сўзлари, хушчакчаклик ва хурсандчилик туйғулари ҳам жуда хаётий акс эттирилган:

Ўпиб сокий аёгин дам-бадам эл,

Кўнгул очилмогига боғлабон бел...

Тараб ишрат хатидин тортмай бош,

Кўнгул чини суроҳидин бўлуб фош.

Хикоятлар улошиб бир-бирига,

Кулок солмай йиравчилар йирига... (196-бет.)

Шу тарика, номаларда сокий, майхўрлик, май базми, ундаги урф-одатлар, базм иштирокчилари, шунингдек, май идишлари хақида ҳам ўзига хос талкинлар ўрин олган. Бу оркали, ижодкорнинг ишк-муҳаббат кечинмалари, ижтимоий-хаётий хулосалари, табиат ва инсон тақдири хақидаги чуқур хаётий-фалсафий мушоҳадалари ўз ифодасини топган. Бу эса, номаларда келтирилган сокийнома шеърларни мазкур жанрнинг дастлабки кўриниши сифатида баҳолашга тўла имкон беради.